Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 100 (5391).
3 МАЙ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, УЗСОВПРОФ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТГА ШОН-ШАРАФЛАР!

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН, СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ 1983 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРГАН ОБЛАСТЛАР, ШАҲАРЛАР, РАЙОНЛАР, МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИ, УЧ ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ НИШОНДОРЛАРИНИ, 1983 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИГА ЁЗИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ШУҲРАТИ КИТОБИ

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юқори натижаларга эришганликлари, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1983 йилги давлат планини муваффақиятли бажарганликлари учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Меҳнат Шуҳрати китобига ёзилиб, уларга дипломлар берилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Коллективлар:

Тошкентдаги «Компрессор» заводи,

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигига қарашли Тошкент ошхона мебели ва бошқа мебель заводи,

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,

«Главташкентстрой»га қарашли 11-«Висотстрой» қурилиш тресги,

«Узсантехгазмонтаж» тресги, Тошкент шаҳри,

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли Тошкент область юк ташиш ишлаб чиқариш автомобиль тресги,

Тошкент шаҳридаги Халқлар Дўстлиги орденли гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси,

Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти,

Тошкент шаҳридаги 8-ошхона.

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИ

(гувоҳномалар берилади):

Зиёев Раҳим — «Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш тресги 39-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи,

Цуцман Николай Михайлович — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги мелиорация қилинадиган ерларда совхозлар граждан ва саноат қурилишини лойиҳалаш Ўрта Осиё Давлат лойиҳа-қидирув институтининг директори.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ЮБИЛЕЙИНИ КАТТА ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

1985 йил ҳисобига

Юбилей олди зарбдор тасида самарали меҳ- т қилган 153-трестга рашли 62-қурилиш қармасининг Иван бошлиқ бригадаси ёдкорлари ўз меҳнат лендарида 1985 йил ҳисобини очиш билан меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик кунини муносиб кутиб олди. Улар апрель ойининг ўзида пландан ташқари икки минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Айни пайтда коллектив меҳнат беллашувини янада авж олдириб юборди. Қурувчилар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини беш йиллик планни бажариш билан кутиб олиш учун курашяптилар. Чилонзор массивининг Д—20А кварталида қурилаётган 240 ўринли тўққиз қаватли ётоқхона кун сайин чирой очиб боряпти. Бригаданинг Каримбой Оломов, Шафқат Фетеев каби пешқадам қурувчилари ҳар бир ишда ўзгаларга намуна бўлишяпти.

М. ФЕЛЬДМАН.

Ютуқлар мустаҳкамланади

Бирлашмамизн и н г ташкил этилганига эндигина икки йил бўлганига қарамай, шу қисқа муддат ичида мақтовга лойиқ кўрсаткичларни қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Коллективнинг меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги туфайли ишларимиз тезда ўнгланиб кетди. Беш йилликнинг учинчи йилида 16 миллион сўмликдан кўп маҳсулот реализация қилишга эришдик. Ҳозирги кунда бирлашмада 200 хилдан зиёд маҳсулот юксак сифат билан тайёрланмоқда.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиб бораётган коллективимиз серқуёш республикамизн и н г шонли юбилейи йилида ҳам улкан режаларни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

Биринчи кварталда эришган ютуқларимизни кейинги кварталларда янада мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақани авж олдирганмиз. Ҳозирги кунда 100 га яқин ишчи республика юбилейини йиллик план-топшириқлар н и бажариш билан кутиб олиш учун фидокорлик кўрсатмоқда. Иккинчи квартал давомида тўрт хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий қилинади. Бу эса ўз навбатида ишчиларимиздан катта масъулият талаб этади. Мақсадимиз — фақат муваффақиятта эришиш, юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, коммунистик жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

Ю. НАЗАРОВ,
«Узбитпластик» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат ветерани, коммунистик меҳнат зарбдори.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

5. Ёшлар пешқадамлик қилишяпти

Репортаж

«Ўзбекистон» стан- сигача ер ости йў- дан бордик. У тўла ёр ҳолда, шпаллар зилган. Коммуни- ция тармоқлари ўт- зилган. Бир қатор бабларга кўра «Ўз- кистон» станцияси рилишига кеч кири- лди. Бироқ «Таш- трострой» трести- 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг Алексей Люстер бошлиқ комплекслашган бригадаси жонбозлик кўрсатди. Комсомол-ёшлар коллективи ишончни оқлаб келяпти. Платформа тайёрлаб қўйилди. Вестибюль қурилиши эса давом этяпти. Бу ерда Алексей Люстер бошлиқ ёшлар коллективи билан унинг акаси Георгий Люстер етакчилигидаги бригада ёнма-ён меҳнат қиляпти. Бир йўла станцияда пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Сайқал ишларини Владимир Плеханов бригадаси бажармоқда.

— Комсомол-ёшлардан иборат коллективимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этяпти, — дейди Алексей Люстер. — К. Авласеевич, П. Мишенка, Р. Садриев каби ҳамкасбларим кунлик топшириқларини ошириб адо этишмоқда.

Владимир Плеханов бошлиқ коллектив мармар билан пардозлаш ишларини амалга оширмоқда. Бу иш анча нозик, кишидан юксак маҳоратни талаб этади. Бироқ бригада ишига эътирозлар бўлмаяпти. Коллективнинг ҳар бир аъзоси трестда биринчи марта ишлаётгани йўқ. Улар пардозловчи касбини жуда пухта эгаллаб олганлар.

«Ўзбекистон» станциясида Георгий Люстер бригадаси тупроқ қазиш ишларини ниҳоясига етказиши лозим. Улар ана шу мажбуриятни бажариш арафасида, ер ости йўлини бир-бири билан бирлаштириш арафасида турибдилар.

С. ЕЖКОВ.

* * *

Суратда: «Ўзбекистон» станциясида қурилиш ишлари давом этяпти.

М. Ямшчиков фотоси.

ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВ

Тошкентдаги «Компрессор» заводининг коллективи катта меҳнат зафарлари учун Ўзбекистон ССР Меҳнат шуҳрати китобига ёзилди. Ҳар бир коллективда бўлгани каби бу ерда ҳам ўз етакчилари бор.

Жумладан, М. Сулаймоновнинг комплекс комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш графигидан бир ой ўзиб кетган. Коллектив ҳар бир аъзосининг малакасини ошириш, турдош касбларни ўзлаштириш туфайли ана шундай муваффақиятга эришилди. Эндиликда деталларга ишлов бериш ва компрессорларни йиғиш ишларини уларнинг ўзлари бажаришяпти. Бригада ягона наряд бўйича ишлайди, маош меҳнат якунига қараб тўланади.

Шахсий манфаатдорлик маҳсулот сифатига ҳам таъсир этмай қолмади — ҳамма маҳсулот Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда.

Бригада меҳнат унумдорлигини пландагидан ташқари 2 процентга оширишга аҳд қилган. Бу қўшимча 50 та компрессор ишлаб чиқариш имконини беради.

* * *

СУРАТЛАРДА: Марат Сулаймонов бошлиқ пешқадам комплекс комсомол-ёшлар бригадаси; бригадир Марат Сулаймонов ва слесарь-йиғувчи Евгений Андрианов.

Р. Нуриддинов ва В. Юсупов фотолари. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ХИЗМАТИДА

Жаҳон халқларининг империализмга қарши, тинчлик ва дўстлик учун кураши йўлида уч қитъа кино-санъаткорларини муштарак мақсадларга бирлаштирган VIII Тошкент фестивали тобора яқинлашмоқда. Фестиваль Ташкилий комитети ва Бош дирекциясига жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан мунтазам хатхабарлар келиб турибди. Ҳозирга қадар VIII Халқаро Тошкент кинофестивалида иштирок этиш истагини билдирган мамлакатлар сони 80 дан ошиб кетди.

Ўзбекистон пойтахтига ана шу халқаро анжуман экранида намойиш этиладиган фильмлар ҳам келмоқда. Ҳозирга қадар 30 дан ортиқ мамлакат ўз киноасарларини фестиваль экранига тавсия этди. Улар орасида Ҳиндистон, Япония, Мексика, Куба, Австралия, Бразилия, Эквадор, Яман Халқ Демократик Республикаси ва бошқа мамлакатлар бор. ЮНЕСКО ҳам Тошкент фестивалида намойиш этиш учун ўз фильмларини юборди.

Фестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиорига ҳамоҳанг ранг-баранг картиналар киноанжуман экранида намойиш этиш учун танлаб олинмоқда.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шу кунларда янада гўзаллашган, кўркам қиёфада фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларини кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқда.

• Маданият хабарлари

Юбилейга бағишланган асарлар

Республика Композиторлар союзида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб яратилаётган янги музика асарлари муҳокама қилинди. Композитор В. Миловнинг «Урушга ўрин йўқ» қўшиқлар туркуми, А. Берлиннинг «Қуёш мангу уйғоқ» Т. Ҳасановнинг «Жон республикам» каби қўшиқ ва одалари, шунингдек, композитор ва бастакорлардан С. Анваров, Ғ. Тошматовларнинг ранг-баранг қўшиқ ва музика асарлари тингланиб, уларнинг эстетик таъсирчанлиги, актуаллигига катта баҳо берилди. Тингловчилар дидига ҳар жиҳатдан мос бўлган бу янги асарлар концерт ташкилотларида ижро этиш учун тавсия қилинди.

Ишчилар ҳузурида

2-пойафзал фабрикасида композиторлар Султон Анваров ва Нодим Норхўжаевларнинг ижодий кечаси бўлди. Унда композиторлар завод меҳнатчиларини республика музика ҳаётидаги янгиликлар билан таништирдилар. Ўзбек халқ қўшиқчилик санъати, унинг бугунги кундаги ривожланиш йўллари ҳақида гапиришиб, ўзларининг ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

* * *

«Средазэлектроаппарат» бирлашмасида қўшиқчи композитор Александр Берлин билан ижодий учрашув бўлди. Композиторнинг завод меҳнатчилари ҳузуридаги ана шу авторлик кечасида Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети бадиий коллективлари солисти Павел Борисов, Наталья Шибалина ва бошқа эстрада хонандалари ташриф буюрдилар.

С. БЕГМАТОВ.

• Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

Шартнома мажбуриятлари бажарилсин

Тошкент шаҳар партия комитети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларига риоя қилиш ва бу ишда министрликлар, идоралар ва корхоналарнинг масъулиятини ошириш тўғрисидаги қарори асосида шаҳар корхоналарида шартномада белгиланган муддатлар ва ассортиментда маҳсулот реализация қилишнинг бориши масаласини қараб чиқди.

Қабул қилинган қарорда нарса таъкидланадики, район партия комитетлари, партия ташкилотлари коммунистларни, шаҳарнинг барча меҳнаткашларини беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, давлат, меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлашга чиллик билан жалб этяпти.

Шаҳар партия комитети шу нарсани таъкидлайдики, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда планларни бажаришда ижобий силжишлар юз берди. Жумладан, шу йилнинг биринчи кварталида маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олган буюмлар реализация қилиш плани 98,2 процент адо этилди, шартнома бўйича планларни бажаролмаётган корхоналар сариб учдан бирга қисқарди. Акмал Икромов райони маҳсулот етказиб бериш бўйича планни тўла равишда, Октябрь райони 99,9 процентга бажарди.

Шу билан бирга бирлашма ва корхоналарнинг белгиланган ассортиментда маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларига қаттиқ риоя қилишда масъулият ҳис этишлари масаласи ҳамон район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида етарли ўрин эгалламади.

Элликдан ортиқ бирлашма ва корхона (ёки ҳар учинчи корхона) ўтган йили шартномаларни бажаришни мунтазам барбод қилиб келди. Шу йилнинг биринчи кварталидаги иш якуни бўйича 35 корхона маҳсулот етказиб бериш бўйича планни (16,6 миллион сўм ҳажмида) бажармади. Аслида Киров районининг ҳар иккинчи корхонаси ва Ленин районининг ҳар учинчи корхонаси белгиланган ассортиментдаги планларни, Куйбишев, Фрунзе ва Сергели районларидаги анчагина корхоналарнинг коллективлари маҳсулот етказиб бериш бўйича топшириқларни уддалашолмаяпти.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш бирлашмаси, Сергели мебель бирлашмаси, «Ташкентвино» бирлашмаси, электрон техника, асбобсозлик, «Миконд», «Таштекстильмаш», резина-техника буюмлари, 2-темир-бетон буюмлари, дурадгорлик буюмлари заводлари, 5-ғишт заводлари бошқармаси, «Ўртоқ», 1 ва 2-пойафзал фабрикаларининг коммунист-раҳбарлари мавжуд қувватлардан ва корхона имкониятларидан тўла фойдаланиш учун зарур чораларни кўришмаяпти. Бунинг оқибатида мазкур корхоналар шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш планини уддалай олмаяптилар. Айниқса, тўқимачилик комбинати, «Ташкенткабель», енгил металл конструкциялари заводлари ёмон ишлаяпти.

Айрим раҳбарлар ҳар қандай қилиб бўлса ҳам маҳсулот ҳажми бўйича топшириқни бажаришга ҳаракат қилишади. (Шу йилнинг биринчи кварталида маҳсулот етказиб бериш бўйича планни бажармаган 35 корхонадан 29 нафари бу топшириқни буюртирилмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариб қоплади). Шаҳар қурилиш индустрияси корхоналари маҳсулот етказиб бериш бўйича интизомни мунтазам бузяпти.

Шу билан бирга шаҳар план комиссияси ва райпланлар навбатдаги йилларга планлар тузиш ишини назорат қилмайдилар ва бу ишга раҳбарлик қилмайдилар, бу ишнинг балансли бўлишини кузатмайдилар.

Қарорда шу нарса кўрсатиб ўтилганки, район партия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг, саноат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари КПСС Уставида белгиланган маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқидан тўла фойдаланмайди, белгиланган ассортиментда маҳсулот реализация қилиш устидан раҳбарлик ва назорат ўрнатмайдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг қабул қилган қарорида район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишлар даражасини ошириш. министрликлар ва идоралар олдига план ва ижрочилик интизомини янада мустаҳкамлаш вазифаларини қўйди. Шу мақсадда маҳсулот етказиб бериш бўйича топшириқларни бажаролмаган, планларни асоссиз равишда ўзгартирган, кўзбўямачиликка йўл қўйган раҳбарларга талабчан бўлиш таклиф этилди. Маҳсулот етказиб бериш бўйича топшириқларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилишни кенгайтириш, мусобақаларга якун ясалаётганда маҳсулот етказиб бериш бўйича планларнинг бажарилишини муҳим кўрсаткич ҳисоблаш таклиф этилди.

Республика министрликлари— қурилиш материаллари саноати, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, сабзавот ва мева министрликлари, «Узглавстройдревпром»нинг мебель саноати, Ўзбекистон ССР Госснаби партия ташкилотларига план интизомига риоя қилиш, марказий аппарат коммунистларининг, хўжалик раҳбарларининг ўз вақтида планлаштириш ва моддий техника ресурслари бўйича топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш, кадрларда шериклар билан муносабатда бурдли бўлиши каби фазилатларни тарбиялашда масъулиятни ошириш масалаларини мунтазам муҳокама қилиш таклиф этилди.

Бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари — экспериментал-механика енгил металл конструкциялари заводидан А. Малявин, «Ташкенткабель» заводидан Ҳ. Алимов, «Таштекстильмаш» заводидан Г. Шарин, 2-пойафзал фабрикасидан Л. Читалин, «Ўртоқ»дан М. Каримжонов, «Тошкент» ёғочни қайта ишлаб чиқариш бирлашмасидан Ғ. Қурбоновларга партиявий жазо берилди.

Район партия комитетларига, саноат корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларига меҳнат коллективлари ўртасида план интизомини мустаҳкамлаш, ойлик ва суткалик план-топшириқларининг ҳар бир бригада, ишчига етказилишига эришиш топширилди.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● Италия Компартияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири С. В. Червоненко (делегация раҳбари), «Новости» Матбуот агентлиги правлениесининг раиси П. А. Наумов, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг секретари А. А. Коробейников ва КПСС Горький шаҳар комитетининг секретари Г. Н. Галкинадан иборат КПСС делегацияси 2 май куни Москвадан Римга жўнаб кетди.

Делегация шу куниёқ Римга етиб келди.

● «Белгиланган режаларни бажарамиз» — газетанинг Биринчи Май тантаналарига бағишланган бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Ватанимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг хатлари, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари босилган.

● СИНОПТИК МАЪЛУМОТИ

МАЙ ОЙИДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Жанубий циклонларнинг республикамиз узра ўтиши туфайли апрель ойининг учинчи ўн кунлигида об-ҳаво беқарор бўлиб турди. Бундай синоптик жараёнлар май ойида ҳам бўлиб туради. Очиқ ҳаволи серқуёш кунлар баъзан булутли, ёмғирли кунлар билан алмашиниб туради. Ойнинг биринчи ўн кунлигида бирмунча ёмғир ёғиб ўтади. Бу пайтда кечаси 5—10, кундузи 16—21 даража иссиқ бўлади.

Май ойининг қолган кунларида ҳаво ҳарорати кечаси 9—14 даражадан 15—20 даражагача, кундуз кунлари 21—26 дан 27—32 даражагача иссиқ бўлади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент экскаватор заводи Чехословакияга «Э—304Г» маркали машиналарнинг навбатдаги туркумини жўнатди. Бир кун илгари ана шундай машиналар Францияга юборилган эди.

Пойтахтимиздаги ана шу корхона маҳсулотларига чет мамлакатларда эҳтиёж катта. Бу йил 15 мамлакатга, шу жумладан Куба, ГДР, Польша ва Венгрияга Тошкент маркаси қўйилган 120 та экскаватор жўнатилади. Бу ўтган йилгидан 40 та кўп.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 17 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво булутланиб туради, бироз ёмғир ёғиб ўтиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Кечаси 8—10, кундузи 18—20 даража иссиқ бўлади.

● ФУТБОЛ

«СПАРТАК» (МОСКВА)—«ПАХТАКОР»—2:0

Кеча футбол бўйича СССР чемпионати 8-турининг дастлабки уч учрашуви бўлиб ўтди. Турнир пешқадами — пойтахт спартакчилари Москвада Тошкентнинг «Пахтакор» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Спартакчилар 7 учрашувда 12 очко тўплаб, чемпионатда танҳо пешқадамлик қилишяпти.

Москванинг «Динамо» ва «Торпедо» командалари учрашувида автозаводчилар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Киев динамочилари Ленинградда «Зенит» командасига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Шу турнинг қолган учрашувлари бугун бўлиб ўтади.

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИДА

ҚУРИЛИШ СУРЪАТИ ОРТМОҚДА

РЕПОРТАЖ

Ўтган йили Тошкентда юз от кучли трактор двигателлари ишлаб чиқариш учун мотор заводи қурилиши бошланган эди. Шундан бери бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу қисқа муддатда Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғида корхонанинг биринчи навбати корпуслари қад кўтарди.



Бу ердагилар айтганидек, кичик мотор заводининг бош корпусига киришингиз билан, дарҳол гуруллаб ишлаётган станокларнинг шовқинига, электр пайванд аппаратларининг ялт-юлт қилиб ўт чиқаришига, механика-йиғув цехидаги қизғин меҳнат вазиятига эътибор берасиз.

— Мана, кўринг, корхона ҳозирдан ўз эҳтиёжлари учун ишлаяпти, — деди мотор заводи бош инженерининг ўринбосари Р. Яматов. — Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб биз келаётган станокларни секин-аста ишга тушира бошладик. Бош корпуснинг турли участкалари учун ностандарт ускуналар, технологик мосламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Лекин биз учун асосий вазифалардан бири мутахассислар тайёрлаш эди. Шу мақсадда биз одамларни Минск мотор заводига юбордик. Бу ерда улар йиғувчилик, двигателларни синовчи программали бошқариладиган станокларни созловчи касбларини ўрганиб келишди. Шуни айтиш керакки, корхонамизга энг замонавий ускуналар ўрнатилади. Чунки корхона ҳозир Минскда кичик туркумда ишлаб чиқарилаётган «Д240Т» двигателининг такомиллашган моделини ишлаб чиқарадиган асосий корхона бўлади. Бу двигатель пахтачилик учун мўлжалланган юз от кучли трактор ишлаб чиқариш учун асос бўлади, бундан ташқари у мамлакатнинг халқ хўжалигида кенг миқёсда фойдаланилади.

Ҳозир бизда бўлажак завод коллективининг ўзаги юзага келмоқда. Ностандарт ускуналар тайёрлаётган В. Суханов, В. Гусарин, пайвандчилар Е. Жариков, Ф. Кутдусовлар бошлиқ комплекслашган бригадалар яхши меҳнат қилишаяпти. Е. Савин бошлиқ монтажчилар станокларни ўрнатиш ишларини муддатидан аввал бажаришяпти.

Ҳозир биз қарийб битган корпусда турибмиз, — деб таъкидлади Рашид Мажидович, — бу корпусни тез ва соз қуришда қурувчиларнинг ҳиссаси салмоқлидир. Тасаввур эта оласизми, ўтган йилнинг март ойида бу ерда пойдевор учун дастлабки хандақ қазилган эди!..

Бу ишларнинг бевосита иштирокчиси, қурувчиси бўлмай туриб, бажарилган ишлар манзарасини тасаввур этиш қийин. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Промжилводстрой» тресты бошқарувчиси Ш. Исмоилов ёрдамга келди. Биз объектнинг бош пудратчиси вакили сифатда у билан Чирчиқнинг чап қирғоғи бўйлаб мотор заводининг ўтмиши ва келажагига кичик саёҳат қиламиз. 16 та махсус камерада йиғилган двигателлар бир пайтда синовдан ўтадиган бош корпус пролетига кирамиз. Темирчилик-преслаш цехи, йиғув пролети, бўяш бўлими, омборхона — булар ҳаммаси битта том остида, 27 минг квадрат метр майдонда жойлашган. Жойларда монтажчилар, сантехниклар, пардозловчилар, бўёқчилар ҳамон меҳнат қилаяпти. Трест қурувчилари «Минмонтажспецстрой» ва бошқа ёрдамчи-пудратчилар учун катта иш майдони юзага келтиришмоқда. Мотор заводининг биринчи навбати тугалланган қиёфага кириб боряпти. Корхона ишчилари учун маиший шароит юзага келтиришни ҳам унутишаётгани йўқ. Яқин вақтда маиший корпус, ошхона, ётоқхона улар хизматига мунтазир бўлади.

— Ҳозир, — дейди Шавкат Ҳакимжонович, — объектда одамлар камайиб қолди, шунинг учун иш суръати ҳам секинга ўхшаяпти. 1983 йилнинг баҳорини бир тасаввур қилинг-а! Қурувчилар партия ва ҳукуматимиз даъватига жавобан қисқа пайтда аҳамияти республика учун беқиёс бўлган Тошкент мотор заводининг биринчи навбатини қуриб битказишга қарор қилдилар. Мен Магнитка қурилишида бўлмаганман. «ДнепроГЭС» тўғонига бетон ташламаганман. Лекин менимча бу ердаги меҳнат кўтаринкилиги биринчи беш йилликлар даврини эслатади. Ҳар биримиз умумий иш олдида юксак бурч, масъулият ҳис этдик. Социалистик мусобақада К. Никодимов бошлиқ 2-механизациялашган кўчма колонна коллективи В. Безуглов, В. Василенко бошлиқ монтажчилар, Р. Ражабов бошлиқ ғишт терувчилар, И. Бахтиев бошлиқ сантехниклар, С. Муротов бошлиқ пардозловчилар ва бошқа коллективлар ғолиб бўлишди. Ўтган йили 5300 минг сўмлик ёки планлаштирилганидан анча кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Янги завод шундай кўз ўнгимизда жадал қад ростлаб борди ва ноябрь ойида ускуналарни монтаж қилиш бошланди. Лойиҳаловчилардан эса биз ҳужжатларни ҳали сиёҳи қуримасдан олиб келдик...

Республика сув хўжалиги министрлигининг «Узводпромпроект» институти лойиҳаловчилари ва бошқа ташкилотлар бажарган катта иш ҳақида гапирмай бўладими? Қурувчиларнинг қаҳрамонона меҳнатлари ҳақида ҳикоя қилганда уларни унутиб қўямиз. Улар Тошкент мотор заводи лойиҳасини тайёрлагунча кўп тунларни бедор ўтказишди.

«Гипротрактор сельхозмаш»дан ускуналар компановкасини олиш билан улар март ойида пойдеворлар плани ва устунлар каркаси схемасини бера бошладилар.

Шу кундан бошлаб қурувчилар корхонананинг нуль циклини қуришга киришдилар. Графикдаги 30-май ўрнига 8 апрелда корпусни ёпиш бўйича лойиҳа ҳужжатлари тахт бўлди. 14 апрелда девор панеллари, 29 апрелда жами бинолар лойиҳаси тайёр бўлди.

Кўпгина принципиал масалаларни тўғри ва ўзига хос ҳал этишда вақтнинг зиқлиги халақит бермади. Заводнинг биринчи навбати лойиҳаси бош инженери Г. Хан, бош мутахассислари В. Сидоренко, В. Репушкин, А. Гамрецкий, С. Серебро, етакчи инженер В. Сковорцов ва бошқа лойиҳачилар қурувчиларга панд беришмади. Лойиҳа сифати ғоят юқори экан.

Ҳадемай қурувчилар Чирчиқнинг ўнг соҳилига ўтишади. Бу ерда мотор заводининг иккинчи навбати корпуси устунлари қад ростлаб турибди. Улар бу ерда «Главсредазирсовхозстрой»даги ҳамкасблари билан бирга корхонани қуришда давом этишади. Эҳтимолки, бу қурилиш уларнинг ҳаётидаги энг катта ва муҳим воқеа бўлиб қолади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида улар дастлабки юз от кучли трактор двигателларини йиғишни бошлашади.

В. СЕРГЕЕВ.

* * *

Расмларда: илғор қурувчи Н. Ражапов ва кранчи И. Ермилов; мотор заводи биринчи навбатининг умумий кўриниши.

В. Булдихаев расмлари.

• *Коммунист ўйлари*

БАХТ КЕЛТИРГАН МЕҲНАТ

Корхонамиз бутун Иттифоқимизда пахта териш машиналари ишлаб чиқараётган ягона корхона эканлигини ўйлаганингда, қалбинг чексиз фахрланиш туйғуларига тўлиб-тошади. Айни пайтда ўзингда катта масъулият туйғусини ҳам ҳис этасан, киши. Негаки, ер юзидаги бутун инсониятни кийинтираётган пахтакорларнинг оғирини енгил қилиш, теримни тўла машиналар зиммасига юклаш биз, машинасозларни ўз ишимизга талабчанлик билан ёндошиш, янада унумли ва аъло сифатли машиналар етказиб беришга даъват этади.

Пахта учун кураш тинчлик учун кураш эканлигини яхши биламиз. Биз ишлаб чиқараётган ҳар бир машина эса бу муҳим ишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини чуқур ҳис этамиз. Партиямиз Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми КПСС XXVI съезди белгилаб берган йўналишларни ривожлантириб, янада конкретлаштирди, партия ташкилотлари олдига ғоят муҳим вазифаларни қўйди.

Беш йилликнинг тўрт йилида меҳнат унумдорлигини 18 процент ошириш, йиллик планини муддатидан илгари, 28 декабрда бажариш, планга қўшимча ўнлаб пахта териш машиналари ишлаб чиқаришга аҳд қилган заводимиз коллективи шу кунларда ўзаро социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. Цех партия ташкилотлари эса бу мусобақага оқилона бошчилик қилмоқда.

Бизнинг цехимиз коллективи биринчи квартал план-топшириқлар и н и муваффақиятли адо этди. Партия Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорларини коллектив ўртасида муҳокама этиб, унда ўртага қўйилган вазифаларни бекаму-кўст адо этиш, ички резервлардан янада яхшироқ фойдаланиш учун курашяпмиз. Тўққизлар ташаббускорларидан бири Ольга Григорьевна Карпова, коммунист Виктор Грибков сингари кўплаб беш йиллик зарбдорлари бошқаларга намуна бўлмоқда. «Тўққизлар ташаббуси»ни корхонамизда 500 дан зиёд меҳнат зарбдори қўллаб-қувватлаганлиги, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун вақтдан ўзиб ишлаш ҳаракати тобора кучаяётгани ишчи ва хизматчиларнинг Пленум қарорларига амалий иш билан жавоб бераётганликларини яққол кўрсатиб турибди.

Тинчлик ва меҳнат байрами 1 Майни муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олган цехимиз коллективи ҳар бир дақиқа қадрига етиб ишламоқда. Қизил майдондан меҳнаткашлар колонналари қаторида ўтган бизнинг цехимиз вакиллари ҳали ўша дақиқаларнинг ҳаяжонини бошдан кечирмоқда. Дарвоқе, минг-минглаб беш йиллик зарбдорлари сафида бўлиш, она-Ватанимизнинг экономикаси ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаётганингни ҳис этиш нақадар завқли!

Менинг қалбим чексиз фахр туйғуларига тўлиб-тошади. Негаки, мен партия XXVI съездида қатнашиш шарафига муяссар бўлганман. Шунинг учун ҳам ҳар гал съезд қарорларини амалга оширишга ўзимнинг қанчалик ҳисса қўшаётганимни қайта-қайта назардан ўтказаман. Бу — менинг бурчимдир. Бугунги шодиёна айёмда машинасозлар, коммунистлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини изчил амалга ошириш иштиёқи билан тўлиб тошганлар.

Ю. СТЕПАНЕНКО,
«Ташсельмаш» заводи 15-цехи партия ташкилотининг секретари, КПСС XXVI съезди делегати.

Биз ватанпарвар интернационалистлармиз

ПАРФИНО ФАРЗАНДЛАРИ

«Узпарфиноводстрой» қурилиш бошқармаси жойлашган Парфино посёлкасида ишлаётган кўплаб ҳамюртларимизнинг бири Робияхон билан бўлган суҳбат қалбимда ёрқин таассурот қолдирди.

— Турмуш ўртоғим Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатди-ю, «Новгородга, Ноқоратупроққа борамиз» деб қолди! Қарасам жиддий. Шу-шу, мана, беш йилдирки, серқуёш Тошкент бағридан чиқиб келиб, Парфино фарзандлари бўлиб қолдик. Икки ўғлимиз бор. Улар ҳам Парфино фарзандлари — шу ерда туғилди. Азизбек, Одилбек деб исмлар қўйдик...

... Институт тақсимот комиссияси Робияхоннинг эри Ҳайитбой Назировни Ноқоратупроққа йўллаб янглишмади. Эр-хотин йўлга чиқишганда оила аъзолари ҳам қаршилик кўрсатмади. Қайтанга, уларнинг ишларига барака, сафарларига оқ йўл тилаб қолишди.

Ёш келин-куёвни парфиноликлар уй-жой билан кутиб олишди. Робияхон янги очилган болалар боғчасида тарбиячи. Ҳайитбой «Дружба» совхози маркази қурилишида мастер бўлиб иш бошлади.

Иш осонликда бошланмади. Ҳамюртларимиз Улуғ Ватан уруши йилларида худди шу ерда ўзбек жангчиларининг новгородликлар билан елкама-елка фашист босқинчиларига қарши мардона жанг қилганликларини яхши биларди. Улар қўриқ ерларни ўзлаштирар эканлар, ҳали у ерда, ҳали бу ерда портламай қолган бомба ва миналарга дуч келишди... Лекин булар бунёдкор ёшлар қалбига ваҳима сололмади. Қурилиш-монтаж ва мелиорация ишлари ҳажми тобора ортиб борди. Сўнгги икки йил мобайнида коллектив 528 гектар майдонни ўзлаштириб экинзорларга айлантирди. Биргина «Дружба» совхозида 354 гектар янги экинзор, 244 квадрат метр уй-жой биноси барвақт фойдаланишга топширилди. Парфино чеккасида янгидан тикланаётган посёлкага ҳуррият куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи берилди. Агар яхлит рақам билан айтадиган бўлсак, Новгород области хўжаликларида ўзбекистонликлар ўн биринчи беш йилликда камида 70 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш учун бел боғлашган.

— Дам олиш кунларини қандай ўтказасизлар? — сўрайман Робиянинг хаёлларини бўлиб.

— Яқинда кўчиб келишган Назирахон ва Жамол Камоловлар оиласи билан қўшнимиз. Икки оила бўш пайтларимизда қадимий Старо Руссо, Новгород шаҳарларига саёҳатларга борамиз. Яқинда биргаликда Ленинград, Москва бўйлаб «юриш» қилдик. Жуда завқли ўтди.

— Кино, концертлар ҳам бўлиб турадими?

— Бўлмаса-чи? «Тошкент —1», «Тошкент —2» механизациялашган кўчма колонналарнинг «Феникс», «Лабиринт» бадиий ҳаваскорлик ансамбллари ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан тез-тез келиб туради. Эндиликда посёлкамизда тантанали кечалар, ёшларнинг бахт тўйлари уларнинг иштирокисиз ўтмайди.

Суҳбатимиз шу ерга етганда ёнимиздан қўлида гул кўтариб ўтган бир қиз «салом» бергандек бўлди. Мен Робияга қарадим «Робия «бир минут» деди-да, қиз томон юрди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, яна ёнимга қайтди.

— Ўзимизданми? — сўрадим.

— Ҳа, кўрмаяпсизми, бухоролик қизларнинг қуйма намунаси-ку! Студент. Новгород иқтисод техникумида ўқийди. Оилалари билан шу ерда туришади. Онаси боғча тарбиячиси, отаси машинист-экскаваторчи. Бувасн Новгород, Парфино учун бўлган жангларда ҳалок бўлган. Қабри қардошлик мозорида. Ҳозир бувасини зиёрат қилиш учун кетаётган экан...

Кўз олдимдан оловли жанглар, фашист газандалари билан бўлган курашларда жон олиб, жон беришган мард, довюрак кишилар ўтди. Ана шундайлардан бирининг набираси — Зулфия Шайдуллин буваси қабрини зиёрат қилишга боряпти. Ким билади дейсиз, жангчи Шайдулин душман билан аёвсиз жанг қилганда ана шу Новгород ботқоқликларининг вақти келиб обод бўлишини, ўғил, қиз, келинлари, набиралари Парфино фарзандлари бўлиб қолишини ҳам ўйлагандир... Бу ердаги кенгликларга термулиб, қадрдон юрт — Ўзбекистоннинг серҳосил далаларини тасаввур қилгандир...

Россия, Россия менинг
Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман,
эмасман меҳмон...

Ҳа, оташнафас шоиримиз айтган Россия эндиликда менинг, Сизнинг, унинг — барчамизнинг жонажон Ватанимиздир. Бугунги кунда Россия — фарзандларимиз туғилаётган, ўқиётган, ишлаётган қадрдон масканга, дўстлик диёрига айланди. Шу боиски, оталаримиз, оналаримиз, ака-ука, опа-сингилларимиз бу ерга меҳмон бўлиб эмас, Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштиришдек қутлуғ ишга ўз меҳнатлари билан муносиб улуш қўшишга, фарзандлик бурчларини бажонидил ўташга келишяпти.

Н. САЪДИЕВ.

• *Қардошлик қонуни билан*

ИЗЛАНИШ АДРЕСИ — ВОЛГА

«Средазгипроводхозхлопок»да уларни ивановоликлар дейишади. Бу—бир неча йиллардан бери тўқимачилик ўлкасида Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштириш проблемалари билан банд бўлган лойиҳачилар ва ирригаторларнинг хизматлари эътибор этилганидир.

Тошкентлик ивановоликлар ўнг соҳил ерларда иккита катта совхоз «Дружба» ва «Ўзбекистон» совхозларини бунёд этдилар. Бу совхозлар 37 минг тонна сабзавот ва ўн икки минг тонна сут етиштиришга мўлжалланган. Ҳозир яна лойиҳачиларнинг ишлари қизғин. Волга сувининг бир қисмини тинч Теза жилғасига йўналтиришни мақсад қилиб қўйган катта сув хўжалик комплексининг лойиҳаси чизилмоқда. Иваново области учун бу объект катта истиқболлар очади, озиқ-овқат программасини амалга оширишда муҳим қадам бўлади. Суви кўпайган Теза кўпгина районларда ерни суғориб туришга, қўшимча 23 минг гектарга яқин ерни далага айлантиришга имкон беради.

«Средазгидрохлопок» мутахассислари муракқаб вазифаларни ҳал этадилар. Чунки Волга билан Теза ўртасида Козлов ботқоқлиги бор, унинг атрофи эса қалин ўрмон билан қуршалган. Бунинг устига баландлик тафовутини ҳам эътиборга олиш керак бўлади: Волга юзасидан Теза манбаигача ер 50 метр кўтарилган. Шундай экан бирлаштирувчи канални қандай ўтказиш керак.

Ботқоқлик» участкаларидан бирини қуритиш лойиҳаси битай деб қолди. Ернинг захи қочирилган ва бу ерга чўккан торф текислаб чиқилгач, бир минг гектар ер сабзавот даласи учун тайёр бўлади ва «Ўзбекистон» совхози ихтиёрига берилади.

Совхоз каналдан ҳам наф кўради. Область марказини таъминлаб турган ва ресурслари чекланган манбадан суғориш учун сув олиш зарурати қолмайди. Суви лиммо-лим тўлган Теза совхозининг ҳозирги ерларини сувга сероб қилишидан ташқари янги ерлар ўзлаштирилишига ҳам имкон беради. Волга суви билан суғорилган ерларда еттита янги чорвачилик совхози барпо этилади. Бу совхозларнинг далалари кам деганда 60—70 минг тонна озуқа бирлиги беради. Натижада давлат йилига 7—8 минг тонна гўшт ва 50—60 минг тонна сут олиб турадиган бўлади. Янги-янги посёлкалар қад кўтаради, йўллар солинади. «Ўзбекистон» билан чегарадош хўжаликлардан бири —«Привольжский» совхози ўз таржимаи ҳолини бошлади. Институт лойиҳаси билан бу ерда олти юз гектар майдонда ариқ ва зовурлар очилмоқда. Шу йил унинг ёмғирлаш установкалари воситасида 200 гектар ерни суғоришга мўлжалланган биринчи навбати ишга тушади.

Иваново области саноатининг ходимлари, шу жумладан тўқимачилари ҳам янги қурилишнинг катта иқтисодий самараларидан баҳраманд бўладилар. Шуй ва Родниково районларидаги корхоналар сувга сероб бўлади.

Теза дарёсининг ўзани тўғриланади ва унда кемалар яхши қатнайдиган бўлиб қолади.

«Тошкент-Иваново» сўзи кўпдан бери лойиҳачилар учун алоҳида моҳият касб этган. Граждандлар уруши йилларида республикада социалистик экономика бунёд этилаётган даврда ивановолик ишчилар вакилларининг Ўзбекистонга берган ёрдамларини институтдагилар яхши билишади. Энди бўлса Ўзбекистон Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришда тўқимачилик ўлкасига ёрдам бераётганлигидан бу ердагилар хурсанд. Институт ходимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигида Иваново области учун янги, ғоятда муҳим сўз хўжалик объектини лойиҳалаш ишларини тезлатишни ўзларининг фахрий вазифалари деб биладилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАС

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛ

ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

СОФИЯ. Габрово шаҳридаги «Подъем» электр кўтаргич механизмлар комбинати Болгарияда Социалистик Революция ғалабасининг яқинлашиб келаётган 40 йиллиги шарафига зарбдор 40 ҳафталик меҳнат вахтасини бошлади.

Комбинатнинг мутахассислари ва ишчилари шу давр ичида дунёдаги энг яхши намуналар даражасида бир неча янги хил маҳсулот яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтириш, хом ашё, материал ва электр энергия тежаш режимига қатъий риоя этиш мажбуриятини олдилар. Габроволик машинасозларнинг ташаббуси шаҳар ва Габрово округи меҳнаткашларига кенг ёйилди.

Ҳозир комбинатда 0,5, 1 ва 2 тонна юк кўтара оладиган механизмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яқин фурсатда тўрт хил моделдаги электр кўтаргич механизмлар кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди. Улар юк кўтариш қобилияти, асосий ва ёрдамчи узелларининг жойлаштирилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Механизмлар

оширишга, ишлаб
қаришда
сарфини камай
га алоҳида
берилади. Бу
каттагина
бор. Ишлаб
чиқитлари
муттасил камай
моқда. Мавжуд
лар қайта ишлаб
асосий ишлаб
ришга қайтарил
ёки яқинда комби
да барпо этилган
истеъмол моллари
хига тушмоқда.

«Подъем» комб
ти маҳсулоти
ларда яхши ма
Габровода ишлаб
қарилган юз ми
кўтаргич механи
Совет Иттифоқи
лаб турибди.

Будапешт — Социалистик Венгриянинг пойтахтидир.
СУРАТДА: Қуйи Дунай қирғоғида жойлашган парламентнинг қад биноси.
ТАСС фотохроника

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

СОФИЯ. Болгариянинг шимолий-ғарбий районидаги Разград шаҳрида маданий-маиший хизмат вазифалари комплекс равишда ҳал этилганига мисол бўла оладиган янги уй-жой районн қурила бошлади. Шу район лойиҳасини ишлаб чиқишда бир қанча оригинал меъморий ечимлардан фойдаланилди. Районда икки мингта квартирадан ташқари болалар боғчаси ва яслиси, спорт зали, савдо-маиший марказ қурилади. Янги комплекснинг дастлабки уйлари шу йилиёқ фойдаланишга топширилади.

* * *

БУХАРЕСТ. Румыниянинг Дробета Турну-Северин шаҳридаги вагонсозлик заводи «Мева» дарвозаларидан 68.000 номерли вагон чиқди. «Мева» маркали вагонлар 88 хил моделда тайёрланиб, дунёнинг 15 мамлакатига экспорт қилинаяпти. Совет Иттифоқи шу вагонларни энг кўп миқдорда сотиб олмоқда.

* * *

РИМ. Италиянинг Милан шаҳрида 62-халқаро ярмарка бўлиб ўтди. Ярмаркада дунёнинг 77 мамлакатидан, шу жумладан, Совет Иттифоқидан қарийб саккиз мингта фирма, компания ва саноат бирлашмалари қатнашди. Илк бор ярмаркада Вьетнам Социалистик Республикасининг экспозицияси ҳам қўйилди. Ярмарка ишлаб турган ўн кун мобайнида унинг павильонларини икки миллиондан кўп киши томоша қилди.

Миландаги анъанавий ярмарка ҳар йили ўтказиб турилади ва у дунёдаги энг катта ярмаркалардан биридир.

Капри аҳолиси Совет халқига самимий дўстлик ҳис-туйғулари билан қарайди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Италиядаги шу шаҳар ҳокими С. Валенте. Алушта билан Капри ўртасидаги дўстона алоқалар боғлаш тўғрисида яқинда имзоланган битим иккала шаҳар аҳолиси бир-бири тўғрисида мумкин қадар кўпроқ нарса билиш иштиёқига мос бўлиб тушади, Совет халқи билан Италия халқи ўртасида ҳамжиҳатлик мустаҳкамланишига ёрдам беради, деб таъкидлади у.

Ўтган йили Октябрь ойида Капри муниципалитети делегациясига бош бўлиб СССРга бордим, у ерда бизларни самимий, дўстона кутиб олишди, деди Ҳоким. Битимнинг имзоланганн тинчликни мустаҳкамлашга қўшилган ҳиссадир. Бу маросим В. И. Ленин туғилган куннинг 114 йиллиги байрамига тўғри келганлиги эътиборга сазовордир.

Чехословакия пойтахтида одатдан ташқари халқаро фестиваль ўтказилди. 500 га яқин ўнлаб турдаги мушуклар бу ерда фахрий совринлар учун мусобақалашди. Прагага Венгриядан, Польша, ГДР, Австрия, ГФР ва Ғарбий Берлиндан келган кўплаб «даъвогарлар» чемпионлик унвонини олди.

СУРАТДА: виставкада.

ЧТК—ТАСС фотоси.

* * *

Ишончли посбон.

Камера пресс— ТАСС фотоси.

ИЛҒОР ТАЖ

ВЬЕНТЬЯН.
даги Вьентьян
тинининг кооперат
ри мамлакатнинг
сий озиқ-овқат
шолидан мўл
олишга мувоф
бўлдилар. Халқ
мияти йилларида
вилоят республи
нинг асосий деҳқ
лик зоналаридан
га айланди.
кўкламги ўрим
мавсумида гектар
шига 35—40 цен
дан шоли ўриб
моқда. Бу ўрта
да мамлакат бў
олинганда қарийб
баравар кўпдир.

Деҳқонлар ерга
лов бериш ва шол
парвариш қилиш
тенсив методла
ўтиш, хўжалик
тиш замонавий ме
ларини жорий эт
давлатга етказиб бе
ётган қишлоқ хўжа
техникаси ва мине
ўғитдан кенг кўлам
фойдаланиш натиж
сида шундай муваф
қиятларга эришди
Вьентьянликлар
илғор тажрибал
республиканинг
гина вилоятлар
кенг ёйилмоқда.

«ТЕКСТИМ МАРКАСИ

БЕРЛИН. ГДР
тўқимачилик сано
учун машина-ускун
лар ишлаб чиқарад
ган энг катта корхо
лардан бирининг
лективи ўз маҳсуло
ни муттасил кўпай
риб бориш ва
лашга ҳаракат қи
ди. Карл Маркс Шт
шаҳрида жойлашг
«Текстима» комби
тида ишлаб чиқарил
машина-ускун
рўйхатига кейинги
йилнинг ўзидагина
хил номдаги янги
машина-ускуна қўш
ди. Республика
юбилей йилида Карл
Маркс-Штадт маши
насозлари енгил сан
ат учун кўпдан
янги ёки такомилл
тирилган моделда
машина-ускуналар иш
лаб чиқаришни ре
лаштирмоқдалар.

«Текстима» марка
си қўйилган маҳсул
кўпгина мамлакатла
даги, шу жумладан Со
вет Иттифоқидаги ен
гил саноат ходимлар
га яхши маълум.

Янги кон топилд

ҚОҲИРА. Мис
нефтнинг янги кон
топилди. Кон Искан
рия яқинидаги Абу-
буруни районида жо
лашган. Мена агент
гининг хабар беришич
аниқланган нефть за
лами мамлакатга кун
га бир ярим минг ба
рель нефть, шунингд
салкам 4 миллион ку
пуд табиий газ бер
ди.

ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЭКРАНИ

Ҳар икки йилда май ойида Халқаро Тошкент кинофестиваллари бўлиб ўтмоқда. Бу муҳим анжуманга уч қитъанинг кино санъаткорлари ва фестиваль меҳмонлари, Европа, Америка, Австралия қитъаларидаги кўплаб мамлакатлардан ҳам кино намояндалари ташриф буюрадилар.

Биз шу ойнинг охирларида ўз ишини бошлайдиган VIII Халқаро Тошкент кинофестивалига бағишланган материалларимизда оқшомхонларни фестиваль иштирокчилари билан, уларнинг янги фильмлари билан кенг кўламда таништириб борамиз. «Қардош республикалар экрани» рубрикаси остида иттифоқдош республикалар ва мамлакатимиз киностудияларида яратилиб, Тошкент экранига тавсия этилган фильмлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Редакциямиз машҳур совет ва чет эл киносанъаткорлари билан ҳам суҳбатлар уюштирди.

Бугун «Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбирлари Ю. Казаченко ва Р. Султонов саволларига СССР Кинематографчилар союзи правлениеси секретари, СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. А. ГЕРАСИМОВ жавоб беради.

— Навбатдаги Халқаро шкент фестивалида катта мнуният билан иштирок аман, — деди **С. А. Герамов.**— Мен Ўзбекистон йтахтида бир неча бор лганман. Тошкент анжуларининг фақат кино ъатини ривожлантиришги аҳамиятинигина эмас, стивалга ўз фильмларини кдим этаётган мамлакатрнинг ижтимоий-сиёсий тидаги ролини ҳам жуда как баҳолайман.

— Сергей Апполинарие, умуман кино санъатинг бугунги кундаги аҳаятини қандай баҳолайсиз?

— Бу саволга бирданига қагина жавоб бериб бўлйди. У катта кўламдаги сала. Очиғини айтганда эҳтимол биз телевидеорқали янада катта таъчан кучга эга бўлган киатографнинг замонамиз н, биз яшаётган аср учун амиятини етарли даражабаҳолай олиш даражасиэмасмиз. Унинг тарбиявий рати, жаҳонни тушунишги роли айниқса беқиёср. Ҳатто айтиш мумкинки, носанъаткорлар бажаран бундай муҳим вазифанинг аҳамияти тенгсизр.

Кинони ўн миллионлаб килар томоша қилишади, унқараб нима яхши-ю, нима млигини белгилаб олишаКинонинг тарбиявий роэса, кенг маънода айтиш мумкинки, у кун сайин ўсиб бораяпти.

Шуни қувонч билан маълум қиламанки, СССР Педагогика Фанлари академиясининг мен раҳбарлик қилаётган эстетик тарбия Совети VIII Халқаро Тошкент фестивали кунларида Ўзбекистон пойтахтида Ўзбекистон маданияти вакилларининг кенг иштирокида эстетик тарбия бўйича навбатдаги сессиямизни ўтказиш тўғрисида фестиваль ва республика раҳбарлари билан келишиб олдик. Бу тадбир бугунги кунда бизнинг мактабларимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар миқёсида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

—Сизнинг навбатдаги фестивалга тилакларингиз...

— Мен фестивалга жуда катта муваффақият тилайман. Ва шундан жуда мамнунманки, Шарқда тинчлик, дўстлик ва социализм машъали бўлган Ўзбекистон пойтахтига Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ўнлаб мамлакатларнинг прогрессив киносанъаткорлари катта фахр-ифтихор билан ўз кино асарларини тақдим этяптилар. Тошкент фестивали бу тараққиёт ва адолат фестивалидир. Мана шу адолат учун, ўзаро дўстлик ва профессионал ижодий мулоқат учун минг-минг километрлаб олис масофалардаги кишилар ажойиб Тошкент заминига интиладилар. Ҳеч шубҳа йўқки, улар ҳар галгидек Ўзбекистон пойтахти аҳолисининг меҳмондўстлиги, самимийлиги, меҳр-муҳаббатини яна бир бор ҳис этадилар.

—Сергей Апполинариевич, сўнгги савол. Сиз ҳозир Лев Николаевич Толстой ҳақидаги янги фильмингиз устида қизғин иш олиб бораяпсиз. Сир бўлмаса айтинг-чи, режиссёр сифатида нега айнан Толстой ҳаёти сизни ўзига жалб этди?

— Толстой ижодига мурожаат қилишим бежиз эмас. Инсон маънавиятининг илдизлари, унинг руҳий олами туғилиши ва шаклланиши тўғрисидаги ўйлар мени Толстой ҳақида фильм яратишга ундади. Бу ўй ҳатто урушдан олдинги йилларда ҳам менда бир неча бор туғилганди. Мана энди эса ишонч билан айтишим мумкинки, суратга олиш группасидаги ҳамкасбларим билан биргаликда бу ҳақда экранда фикр юритишга имконият туғилди.

Менинг назаримда Толстой деярли барча жойлардан кўриниб турадиган улкан чўққидир. Бизнинг мақсадимиз шундан иборатки, Лев Толстойни бошқалар ҳам биз — унинг ватандошлари тушунгандек кўрсинлар ва тушунсинлар. Ҳа, ўлмас Толстой ижод этган даврдан буён бизнинг ҳаётимизда кўп нарсалар ўзгариб кетди. Аммо инсон ҳамон бизнинг буюк Ватандошимиз даҳоларча тушунган ва ҳис этган ўша-ўша туйғулар, ўша-ўша эзгу истаклар билан яшамоқда. Шунинг учун ҳам Толстой даҳосининг қудратли пафоси, унинг гениал таланти бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бизнинг суратга олиш группамиз, фильм ижодкорлари шунга аминдирларки ана шу фикрни «Лев Толстой» фильмини томоша қиладиган барча томошабинлар ҳам теран ҳис этадилар.

— Катта раҳмат, Сергей Апполинариевич!

— Тошкент фестивалида, ажойиб юртингизда учрашгунча хайр!

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг манзарали боғдорчилик совхози шаҳарнинг хиёбонлари, боғлари, уй-жой массивларида экиш учун кўплаб хил гул кўчатлари етказиб берди. Бундан ташқари бу ерда пойтахтимизда февраль ойининг охири ва март ойининг бошида сотиш учун чинни гул, карнай гул ва лола етиштирилди.

СУРАТЛАРДА: совхознинг гулчиси М. Юнусова ва катта агроном М. Магдиева гул кўчатлари етиштириладиган секцияда.

Пастдаги суратда Муборак Ваҳобова савдо тармоқларига жўнатиш учун чинни гулларни узаяпти.

• Таом лаззати—меҳмон иззати

ФИНТУЗА ТАМАДДИСИ

Финтуза дегани ранги оппоқ, тузилиши қайзғоқ вермишель бўлиб, бизга уйғур пазандалиги орқали кириб келган масаллиқдир. Асл финтуза мош ёки соянинг крахмалидан мясорубкага ўхшаш майда тешикли машинкадан чиқариб тайёрланади. Лекин бизда бозорда сотилаётганини картошка крахмалидан қилишади. Ушбу масаллиқ жуда тўқтутар ва нозик лаззатга эга бўлиб, таркибидаги оқсил моддаси гўшт оқсилига монанд. Агар финтузани лағмон қайласига солиб пиширилса таомнинг калориялилиги ҳам, мазалилиги ҳам, хушбўй ҳиди ҳам кўпаяди. Финтузадан қардош уйғур халқининг пазандалигида ўнлаб тансиқ таомлар тайёрланади. Шулардан икки хилини (бири яхна, иккинчиси иссиқ таом) эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ЛАНГСАЙ

Бир боғлам финтузани кастрюлкага солиб икки литр қайноқ сув қуйиб қопқоғи ёпилган ҳолда ивитиб, бўрттириб оласиз. Турп, сабзи, булғор гармдориси, қайнатиб яхна қилинган гўшт, саримсоқ пиёз ва карамни жуда майин сомонча усулда тўғрайсиз. Қозонга ўсимлик ёғи (зиғир, пахта, зайтун, кунгабоқар, ёрунғоқ ёғларидан бир хили) солиб, ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғралган бошпиёзни жазлаб пиёздоғ ҳозирланг. Бўрттирилган финтузанинг узунлигини бамисоли гугуртнинг чўпидек қилиб кесасиз. Барча масаллиқни тоғорачага солиб устидан пиёздоғни қуйиб, туз ва қалампир талқон сепиб яхшилаб қориштирасиз ва ликопчаларга солиб дастурхонга тортасиз.

Масаллиқ: бир боғлам финтуза, ўртача катталикдаги бир дона турп, 2 дона сабзи, 4 дона булғор гармдориси, 200 грамм яхна гўшт, бир шапалоқ (200 граммча) карам, 4—5 та саримсоқ парракчалари, 2 бош пиёз, 150 грамм ўсимлик мойи, бир чой қошиғида туз ва 2 чой қошиғида қалампир талқон керак бўлади.

ФУНГСАЙ

Финтузани кострюлкага солиб устидан 2 литр қайноқ сув қуйинг-да, қопқоғини ёпиб ивитиб қўйинг. Қозонда ўсимлик мойини яхшилаб доғлаб майда тўғралган пиёз ва қўй гўштининг сон қисмидан олиб норинга тўғрагандек «зулукча» усулда кесасиз. Пиёз билан бирга сиртида қизғиш қобиқ ҳосил бўлгунча қовурасиз. Меъёрига етгач, сомонча усулда тўғралган турп, карам (иложи бўлса корейсча тузланган кимчхи карамидан), булғор гармдориси, сабзи, саримсоқ пиёз — барчасини гўштга қўшиб чаларoқ қовуриб оласиз, сабзавотлар хиёл кирт-кирт бўлиб турганини маъқул. Туз-намагини ростлайсиз, туйилган мурч ёки қалампир сепасиз. Сўнгра қайноқ сувда бўрттирилган финтузани човлида олиб, қозондаги масаллиқлар устига солиб 2—3 минут дамлаб қўясиз.

Масаллиқ: бир боғлам финтуза, доғлаш учун 200 грамм ўсимлик мойи, 2—3 бош пиёз, 400 грамм қўй гўшти, бир дона турп ёки 10 дона редиска, 200 грамм карам, 4—5 дона булғор гармдориси (қишда қоқи қилинганини қайноқ сувга пишиб яшартириб олинади), икки дона қизил сабзи, 5—6 дона саримсоқ пиёзнинг парраги, мурч, туз, сирка ва ошкўклар таъбга кўра солинади.

К. МАҲМУДОВ,
Ҳ. ИСМОИЛОВА,
М. МАМАЖОНОВА
пазандалар.

ҲАР ТЎҒРИДА

БАЛАНД БЎЙЛИ КИШИЛАР

Африкадаги Нил дарёсининг юқори оқимида яшайдиган нилот қабиласининг кишилари дунёда энг узун бўйли кишилардир. Бу қабиладаги эркакларнинг бўйи ўртача 180 сантиметр. 215 сантиметргача келадиган кишилар ҳам кўп учрайди. Бу қабиланинг аёллари ҳам баланд бўйли бўладилар.

КАСР СОНЛАР АСОСЧИСИ

Атоқли ўзбек олими Ал Коший дунёда биринчи марта ўнли касрни кашф этган. У XV асрнинг бошларида Самарқандда ташкил этилган обсерваториянинг бошлиғи эди. Жамшид ибн Мақсуд Ал Кошийнинг математика ва астрономия фанларидан жуда яхши билими бор эди. 1427 йилда олим «Арифметика учун калит» китобини ёзиб тугатди. Унда Ал Коший биринчи марта ўнли каср амалларини бажариш қоидасини берди ва мисоллар билан исбот қилди.

КАТТА ВА БОЙ МАМЛАКАТ

СССРнинг умумий майдони икки миллиард гектардан ортиқдир. СССРда 150 мингдан ортиқ дарё, 250 минг кўл бор. СССР дарёларининг сув ресурси ер шаридаги дарёлар сув ресурсининг саккиздан бирини ташкил этади.

«ОҚ ОЛТИН» ХОСИЯТИ

25 центнер пахтадан 6000 метр газлама, 213 килограмм пахта мойи, 260 килограмм кунжара, 37 килограмм совун, 87 килограмм момиқ, 198 килограмм чигит олинади.

ИТАЛИЯДАГИ ИБН СИНО КЎЧАСИ

Италиянинг пойтахти Рим шаҳрида Абу Али ибн Сино номига қўйилган кўча бор. Бу кўча Тибр дарёсининг қирғоғидан бошланади. Бу кўчанинг икки четида саккиз қаватли бинолар қурилган. Иморатларнинг биринчи қаватида турли савдо дўконлари жойлашган. 68-уйнинг деворига мармар плитага Виа Авиценна (Ибн Сино) деб ёзиб қўйилган.

С. ҒАФУРОВ
тўплаган.

• *Манзарали ўсимликлар*

ДАРАХТДАГИ ЛОЛА

Лола деганда баҳор аслида ястаниб ётган р ва далалардаги ёқут сол чечаклар кўз ўнмизда намоён бўлади. Табиат эса мўъжизар: ўсимликлар оламида ҳам лола дарахти отинча номи ўзига раша жозибали — лиоденрон тулипифе) қайд қилинади. Бу манзарали дарахт магнодошлар оиласига мансуб бўлиб, ватани Шимолий Америка ва Марказий Хитой. Лоладарахт ватанида жуда м баланд бўлиб ўсади. Ўсимликнинг лоладарахт деб аталишига ибб эса унинг тузилишига кўра лолани эслатувчи гуллари туфайлидир. Бу гулларнинг катталиги маданий усулда етиштирилаётган лолага тенг келиб, ним яшил зарғалдоқ ёки кўкимтир-оқиш рангга бўялган, дарахт шохчаларига бандсиз ўрнашган. Лоладарахт Ўзбекистон шароитида май ойида гуллайди, гуллари дарахтда анча вақтгача турғун ушланиб, ўсимликка чирой бериб туради.

Тошкент Ботаника боғида, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали атрофида, бу дарахтнинг бир неча тупи барқ уриб ўсмоқда. Дарахтларнинг баландлиги 10—12 метрга етади. Барглари ҳам танасига яраша катта бўлиб, тоғ-узум баргларига ўхшаб кетади.

Машҳур кимёгар, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Ю. Юнусов манзарали дарахтга кўзи тушиб, шогирдлари Р. Зияевга ўсимликнинг кимёвий таркибини текширишни топширдилар. Буни қарангки, ёш олим лоладарахтнинг барги ва шохларидан 14 та алколоид моддаси ажратиб олди ва уларнинг тузилишларини ўрганди.

Бу ўсимлик Россияга 1870 йилда келтирилган. Ўзбекистонга эса ўтган асрнинг охирларида келтирилгани тўғрисида маълумотлар бор. Лоладарахт табиат инжиқликларига бардошли ўсимлик бўлиб, Ўзбекистон шароитига чидамли. Шунинг учун бу дарахтни кўча ва хиёбонларга, мактаб ва корхоналарнинг ҳовлисига ҳамда дала шийпонларига салқин берувчи манзарали ўсимлик сифатида экиб, кўпайтириш аҳамиятга молик. Тошкентдаги Ботаника боғида лоладарахтни уруғидан кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган.

Мана ўлкамизда баҳор. Шаҳримиз кўчаларидаги ранг-баранг манзарали дарахтлар кун сайин яшнамоқда. Чунончи, В. И. Ленин музейи атрофларидаги лоладарахтлар ҳам гуллаш арафасида.

У. АБДУЛЛАЕВ,
табиатшунос.

• Фарзандларингизга ўқиб беринг

ЖОН НИМА?

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Бир доно киши ўз фарзандларига ноннинг азизлиги, қадру-қиммати ҳақида, нонсиз бошидан ўтган оғир мусибатлар ва қаҳатчиликлар ҳақида гапириб ўтирарди. Сўз орасида:

— Болаларим, нонни эъзозланг, қадру-қимматига етинг, шунда яна ҳам бадавлатроқ бўласиз, олам мусибатлари бошингизга келмайди, жонингиз ҳамиша соғу-омон бўлади,— деди.

Фарзандларининг ичида кичкинагина невараси ҳам қулоқ солиб ўтирарди. Доно сўзлашдан тўхтагач, невараси қучоғига келиб ўтирди ва ундан:

— Буважон, жон нима дегани, у қанақа бўлади! —деб сўради.

Бувасии кулди ва унинг пешонасини силаб деди:

— Жон — бу, нон дегани, нон бўлмаса жон ҳам йўқ. Нон қанча кўп бўлса, жонимиз шунча бақувват, кучимиз шунча кўп бўлади, — деди. Сўнг бу байтни ўқиди:

Ноннинг ушоғи ҳам
ноннинг ўзидир,
Нон эса баданда
жоннинг ўзидир.
Нонимиз бўлмаса
жонимиз ҳам йўқ,
Жон эса худди шу
ноннинг ўзидир.

Т. РАВШАН.

Шаҳримиздаги республика табиат музейи ҳамиша томошабинлар билан гавжум. Ташриф буюрувчиларнинг бу ердаги мавжуд экспонатлар ҳақида тўла маълумот олишларида музей хизматчилари яқиндан ёрдам беришади.

СУРАТЛАРДА: кичик илмий ходим Г. Ғуломова томошабинларни умумий биология залидаги экспонатлар билан таништирмоқда; музей залларидан бирида.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ТОШКЕНТ— ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

25 апрель куни газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида олмаоталик шахмат мухлисларининг юришлари эълон қилинган эди. Улар ўзлари оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада навбатдаги бешинчи юриш d2—d3 ни эълон қилишди. Иккинчи тахтада эса газетхонларимизнинг Cc4 юришига e7—e6 билан жавоб беришган эди.

Газетхонларда тошкентликлар оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтадаги навбатдаги олтинчи юришни таклиф этиш, биринчи тахтада эса олмаоталикларнинг бешинчи d2—d3 юришига қандай жавоб бериш ҳақида фикр билдиришни сўраган эдик.

Редакция шахмат мухлисларидан 150 дан зиёд таклифлар ёзилган хат олди. 45 газетхон таклифини телефон орқали хабар қилди. Уларнинг кўпчилиги биринчи тахтада олмаоталикларнинг бешинчи юришига Ke4:c3 билан жавоб беришни, иккинчи тахтада эса h2—h3 юришни таклиф этишган. Жумладан, М. Мирҳабибов, Ҳ. Саломов, В. Заворотний, М. Ҳақназаров, А. Баротов, И. Сафаров, В. Пуставетов, Н. Авазов, М. Усмонов, А. Олин, Ф. Қорабоев, Р. Арифулин, Ф. Шафиева, М. Бобоев, И. Мусаев ва бошқалар шундай таклиф билдирганлар. Бу юришлар тўғри деб топилди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

Олмаота—Тошкент

1



Тошкент—Олмаота.

2



Энди ҳар икки тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз. Биринчи тахтада: 1. e4e5. 2. Ke3 Kf6. 3. f4d5. 4. e5 Ke4. 5. d3 Kc3. Иккинчи тахтада: 1. d4d5. 2. c4dc 3. Kf3 Kf6. 4. e3 Cg4. 5. Cc4 e6. 6. h3.

Ҳурматли газетхонлар! Сиртқи шахмат матчи қандай бораяпти! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 330874, 325680, 325681, 325885, 332895 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

„ТО" спорт ҳафтаси

• *Физкультура коллективларида*

Фойдали конкурс

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу соҳада яқинда янгилик жорий қилинди. «Ҳаракат — саломатлик омили» шиори остида заводда конкурс ўтказилди. Маъкумки, бундай конкурслар Болтиқбўйи республикаларидаги саноат корхоналарида кўп йиллардан бери ўтказиб келинмоқда.

Конкурс ўз ичига нималарни олади? Корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган низомда кўрсатилишича, асосий мақсад турли ёшдаги ишчи ва хизматчиларни физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва меҳнат қобилиятини юксалтиришдан иборатдир.

Конкурс шарти қуйидагича. Ҳар бир қатнашчи бир йил давомида 400 километр масофани югуриб, сузиб, велосипед ҳайдаш билан, туристик югуришларда босиб ўтиши керак. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир қатнашчи бир километр масофани енгил кийимда югуриб, уч километр масофани туристик юришда, беш километр масофани велосипедда босиб ўтиши, 10 минут сузиш машғулотида қатнашиши ва 15 минут спорт ўйинларида иштирок этиши керак.

Бундан ташқари конкурс қатнашчиси бир йил давомида олти марта расмий синовдан ўтиши лозим. Синов программасидан енгил атлетика кросслари, қишки спартакиадада иштирок этиш, «Тракторостроитель» газетасининг Бутуниттифоқ югурувчилар кунига бағишлаб ўтказадиган турнирида қатнашиш жой олган. Шунингдек, улар Бутуниттифоқ сузувчилар куни, «Бутун бригада билан стадионга» мусобақаларида иштирок этиши, ГТО комплекси нормативларини бажариш учун ўтказилган беллашувларда қатнашиши керак.

«Ҳаракат — саломатлик омили» конкурсининг низомида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Саломатлик кишиларнинг энг йирик хазинасидир ва бутун жамият бойлигидир, организмнинг гармоник ривожланиши ва жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиши меҳнатнинг унумли бўлишига, оилада, дўстлар даврасида мазмунли ҳордиқ чиқаришга, меҳнат қобилиятини узоқ муддат самарали бўлишига ёрдам беради».

Бу сўзлар қатнашчиларнинг ҳисоб карточкаларига ёзиб қўйилган. Карточка қатнашчининг ўзи томонидан тўлдирилади, у бажарган машқлар эса судьялар томонидан қайд этиб борилади.

Конкурс топшириқларини муваффақиятли бажарган ишчи ва хизматчилар махсус тайёрланган кўрик нишонлари ва завод спорт комплексидаги сузиш ҳавзасига бир йил мобайнида текин кириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома билан тақдирланадилар. Қисқа қилиб айтганда тракторсозлар конкурсда актив иштирок этишмоқда. Конкурс шу йилнинг декабрь ойига қадар давом этади.

А. ВОРГУДЯЕВ.

Спорт кундалиги

● Республикамизда ўтказилган велосипед пойгаси бўйича СССР Қуролли Кучлари чемпионати мусобақаларида 113 спортчи иштирок этди. Республикамиз вакили халқаро классли спорт мастери Жамолиддин Абдужабборов шахсий ҳисобда тўққизинчи ўринни эгаллади. Ригалик Владимир Муравский эса мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди.

● Тошкентлик 15 ёшли гимнастикачи Ирина Бараксанова яқинда ўтказилган мамлакат чемпионатида фахрли учинчи ўринни эгаллаб, команда ҳисобида олтин медаль билан тақдирланган эди. Ёш спортчи яна бир марта маҳоратини намойиш этди. У Италияда ўтказилган ўсмирлар ўртасида Европа чемпионати мусобақаларида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирланди.

● Швециянинг Гётеборг шаҳрида ўтказилган эркин кураш бўйича Европа чемпионатида тошкентлик спортчи Арсен Фадзаев муваффақиятли қатнашди. Тошкент Давлат физкультура институтининг студенти 68 килограмм оғирликдаги полвонлар ўртасида чемпион унвонини қўлга киритди.

● Тошкентдаги теннис спорт саройида бадиий гимнастика бўйича республика чемпионати мусобақалари якунланди. Халқаро классли СССР спорт мастери Венера Зарипова Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Маълумки, бу спортчи ўтган ойда «Советская женщина» газетаси соврини учун ўтказилган халқаро мусобақаларда ҳам фахрий шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эди. Тошкентлик спортчилардан Вера Шаталина ва Ирина Незнамова иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.

● Тошкентда рус шашкаси бўйича ўтказилган республика чемпионати беллашувлари якунланди. Абдуқодир Тоштемиров ҳаммадан кўп очко тўплаб, республика чемпиони унвонини қўлга киритди. Тошкентлик шашкачилар Фридман ва Дорфман иккинчи ва учинчи ўринни эгалладилар.

● Бухоро шаҳрида ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилар спартакиадаси программаси доирасида ўтказилган стол тенниси мусобақалари якунланди. Бу ерда Тошкент шаҳрининг вакиллари ғалаба нашидасини суришди. Тошкент областининг стол теннисчилари иккинчи, бухороликлар эса учинчи ўринни эгалладилар.

● Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районида аҳоли турар жойларида физкультура ва спортни оммалаштириш бўйича ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда районда аҳоли турар жойлари спартакиадаси ўтказилди. У ҳақиқий маънода ёш спортчилар учун чаққонлик ва гўзаллик байрами бўлди. Ўрта ва кекса ёшдаги кишиларга саломатликларини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Ғолиблик учун бўлган баҳсда райондаги барча турар жой-эксплуатация бошқармаларининг командалари иштирок этди. Спартакиада давомида аҳолининг ва физкультура жонкуярларининг ташаббуси билан кўплаб спорт майдончалари, югуриш йўлкалари ташкил этилди.

• Ҳайвонот оламида

ТУРОН ЙЎЛБАРСИ

Йўлбарсни ким билмайди! Унинг номини айтишимиз билан кўз олдимизда Ҳиндистоннинг пунгли ўрмонлари ёки Приморьенинг тайгаси намоён бўлади. Бу ҳайвон яшайдиган жойлар Шарқий Сибирнинг жанубидан Малайя архипелаги оролларигача бўлган территорияни ўз ичига олади. Турли ўлкаларнинг йўлбарслари бир-бирларига ўхшамайди. Ҳар хил географик районда яшайдиган йўлбарслар терисидаги йўл-йўл чизиқлар бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам уларнинг турлари бенгал, хитой, суматра, амур, яван, бали, турон йўлбарслари деб фарқланади.

Йўлбарслар табиатда жуда оз сақланиб қолган. Гарчи у яқиндагина инсоннинг ашаддий душмани деб ном чиқарган ва унга қарши кураш олиб борилган бўлса ҳам эндиликда уни қўриқлаш, Қизил китобга киритиш зарур бўлиб қолди.

Йўлбарслар яшайдиган жойларнинг энг ғарбий чегарасида, тоғлар ва саҳролар билан ўралган территорияда бошқа йўлбарслардан фарқ қиладиган ҳайвон яшарди. Айрим зоологлар уни «турон йўлбарси» деб атардилар. Турон —Ўрта Осиё пасттекислик районларининг қадимги номидир. Бошқалар эса уни «каспий йўлбарси» деб атардилар. У фақатгина Ўрта Осиёдагина эмас, балки Каспийнинг шарқий ва жанубий қирғоқларида — Закавказье ва Эроннинг чегарадош районларида яшарди.

Ҳайвоннинг энг севимли жойлари Ўрта Осиёдаги дарёлар—Амударё, Сирдарё, Вахш, Панж, Атрек, Тежен, Мурғоб қирғоқларидаги қалин қамишзорлар эди. Бу йўлбарслар шимолда Қозоғистоннинг Балхаш кўлигача боришарди. Улар тўқайларда, тоғолди ўрмонларида, шунингдек, жанубий Озарбайжоннинг нам субтропик чангалзорларида, Эрон ва Афғонистоннинг шимолий вилоятларида тез-тез учрарди. Йўлбарслар ўз уяларини одам ўтиб бўлмас жойларда қурадилар. Бу уялар бир неча талабларга жавоб бериши зарур эди. Энг аввало яқин атрофда албатта сув бўлиши керак. Йўлбарслар тез-тез ва кўп сув ичадилар. Турон йўлбарси учун кўп қор ёғадиган қишлар оғир кечарди. Шунинг учун уя қордан ҳимоя қилинган жойларда тикланарди.

Баъзида йўлбарслар ўз яшаш жойларини ўзгартиришга интилиб қоладилар. Шунда улар саёҳатга чиқадилар, илгари ҳеч бормаган жойларида пайдо бўлиб, одамларни ваҳимага соладилар. Турон йўлбарслари ўзлари яшайдиган жойдан минг километр узоққа кетиб қолгани ҳақида фактлар бор. Бир кечакундузда эса бемалол 90 километр йўл босишади. 1922 йилда ана шундай сайёҳ йўлбарслардан бири тўғри йўл билан ҳисоблаганда 400 километрдан ортиқ масофани босиб ўтиб, Тбилиси шаҳри яқинига бориб қолган. Бу ерда унинг ҳаёт йўлига инсон нуқта қўйди.

Анималист-фотографлар энг ноёб, яшириниб юрувчи ва хавфли ҳайвонларни қидириш ва суратга олишни яхши билишади. Аммо турон йўлбарсини қанчалик лентага туширишга интилмасинлар, ҳозирча ҳеч иш чиққани йўқ. Бундан кейин ҳам чиқмаса керак...

Тахминларга кўра, у бутунлай йўқолиб кетган. Агар қирилиб кетган бўлса ҳам, бу воқеа яқинда рўй берган. У ҳақдаги хотираларнинг янгилиги ана шундан далолат беради. Айрим тарқоқ тавсифларга қараганда, унинг узунлиги 2 метрдан ортиқ бўлган. Урғочи йўлбарслар эса сал кичикроқ бўлишган. Бундай ҳайвон одатда 200 килограммгача тош босган.

Турон йўлбарси ёрқин сариқ рангда бўлган. Унинг йўл-йўл чизиқлари ҳам бошқа йўлбарсларникига қараганда ингичка ва кўп, анча узун эди. Баъзида улар қора эмас, жигаррангда бўларди. Турон йўлбарсининг юнги қишда қалинлашар, айниқса ёли ва қорнида ялтираб турар, юзларидан узун-узун юнглар ўсиб чиқарди. Шунда ҳайвон ўзининг қисқа юнгли қариндошларидан кўра юнгдорроқ кўринарди.

Турон йўлбарсини табиатда кўрганларнинг таассуротига кўра, унда қудрат ва эпчиллик ажойиб тарзда уйғунлашиб кетган. У 6 метрга бемалол сакрай олган. Ҳайвоннинг ҳаракатлари оғирдек бўлиб туюлар, аммо бу катта куч-қудратнинг белгиси эди.

Ҳайвоннинг сарғиш ранги қамиш поялари орасидан унча кўринмасди. Субтропик ўрмоннинг ичида, нур ва соялар жимирлашидан фойдаланган ҳайвон ўз ўлжасига иложи борича яқинроқ келарди. Шунда унинг шиддатли ҳамласи бекорга кетмасди. 2 центнерли оғирликка эга бўлган гавданинг шиддатли ҳужумига ҳеч бир ҳайвон қарши туролмасди.

Мана ўтмишдан олинган бир воқеа. Карвондан адашиб қолган бир туя шўр сувли ботқоққа ботиб қолди. Карвондаги одамлар қанчалик уринишмасин ботиб қолган туяга ёрдам беролмадилар. Эрталаб уни тортиб олиш умидида нарироқда тунаш учун қўндилар. Аммо йўлбрас кечаси одамлар қилолмаган ишни амалга оширди. Одамлар яқинлигига қарамасдан у туяни ўлдириб, 150 қадамча нарига тортиб кетди.

Закавказьеда кийиклар ва тўнғизлар, Ўрта Осиёдаги дарёлар ва кўлларга қумларнинг ичидан сув ичиш учун келадиган сайғоқлар ва қулонлар, Бухоро буғулари—хонгуллар унга ўлжа бўларди. Ҳайвон оч қолганда шоқол ёки ёввойи мушукларни ейишдан ҳам қайтмасди. Аммо ўлимтикларни камдан-кам ерди. Кемирувчилар, қушлар, тошбақалар, қурбақалар, ҳатто ҳашаротларни афзал кўрарди. Баъзида мушукларнинг одатига тақлид қилиб, сув тошган пайтларда балиқчилик қилар, сув саёз жойларда тухум қўяётган балиқларни тутиб ерди. Баъзи ўсимликларнинг меваларидан ҳам татиб кўрарди.

Мамлакатимизда турон йўлбарсининг биологиясини ўрганган зоологлардан бири биология фанлари доктори Сергей Ульянович Строганов эди. Олим ҳатто йўлбарснинг уясини ҳам текширишга муваффақ бўлган. Уяга бориш учун эса йиртқичлар юрадиган сўқмоқдан — ёввойи буталар ўртасидаги тор йўлакдан 200 метрча эмаклаб ўтишга тўғри келганди. Ҳайвоннинг уяси ҳамиша дарахтлар соясида, тагига ўтлар тўшалган бўларди. Атрофида эса 40 квадрат метрча очиқ майдон бўлиб, йўлбарсга емиш бўлган ҳайвонларнинг суяклари билан қопланиб ётарди. Теваракда ўлимтикнинг бадбўй ҳиди анқирди.

С. У. Строганов ўз кузатишларини шундай тавсиф билан тугатганди: «Турон йўлбарси жасур, яшириниб юрадиган ва сезгир ҳайвон. Йўлбарслар билан узоқ йиллар ёнма-ён яшаш ва бирор марта ҳам уларни кўрмаслик мумкин». Аммо турон йўлбарси яшириниб юришига қарамасдан одамлар у билан анча илгари танишган эдилар. Европа ва Россия бу йўлбарс дарагини ҳинд ва бошқа мамлакатлар йўлбарсларидан олдинроқ эшитганди.

Турон йўлбарси ҳатто қадимги римликларга ҳам таниш бўлган. Эронда ва Арманистонда ушланган ҳайвонларни Римга олиб келишар, бу ерда зодагонлар йиртқич ҳайвонларнинг қўл-гладиаторлар билан қонли олишувларини томоша қиларди. Аммо Римга олиб келинган биринчи йўлбарс шунчалик даҳшат солдики, у билан очиқчасига олишишга ҳеч ким журъат этмади. Ҳайвонни қафасда ўлдиришди. Қадимги Русда эса йўлбарслар ҳақида жанубда қандайдир «даҳшатли ҳайвон» бор деб эшитгандилар.

Аста-секин Россиянинг ўз қўшнилари билан алоқалари кучайиб борди. Эрондан ва Ўрта Осиёдан ушланган йўлбарслар шоҳ ва князлар ҳайвонот боғларига олиб келина бошлади. Савдогар Федор Котов ўзининг саёҳатлари пайтида Казвиндаги шоҳ ҳайвонот боғида турон йўлбарсини кўрган, XVII асрнинг 20-йилларида унинг белгиларини ёзиб қолдирганди. Ўша пайтда рус китобларида бу ҳайвонни жанубий қўшнилардан олинган сўз билан «бабр» деб атардилар. Лотинча китобий «тигрист» сўзи кейинчалик пайдо бўлди.

Яқиндан эшитилган йўлбарс овози кишини даҳшатга солади. Кавказ фаунаси бўйича мутахассис зоолог К. А. Сатунин йўлбарснинг ўкириши ёзма равишда «паст, бўғиздан чиқадиган «а-о-унг» шаклида эшитилишини таъкидлайди.

Шарқда йўлбарсни ҳамиша энг қудратли жонзод деб билишади. У ўзини ниқоблай олиши, тўсатдан йўқолиб қолиши ва пайдо бўлиши билан катта шуҳрат қозонган. У афсоналар, ривоятлар, эртаклар қаҳрамонидир.

Йўлбарсларни овлаш, унинг ўлжалари—тўнғизлар, бошқа туёқли ҳайвонларнинг овланиши, тўқай ва тоғ олди ўрмонларнинг кесилиши, майдонларнинг пахта учун ҳайдалиши, қамишзорлардаги ёнғинлар —буларнинг ҳаммаси йўлбарсларнинг миқдори кескин камайиб кетишига сабаб бўлди.

Мавжудият учун курашда турон йўлбарсининг ҳайвонлар ўртасида бир кичик иттифоқчиси бор эди. Бу безгак касали қўзғайдиган чивин эди. Сўнгги йўлбарслар яшайдиган Закавказье, Ўрта Осиё ва Эрондаги районларда безгак одамлар учун катта хавф туғдирарди. Мамлакатимизда ва чет элларда ҳайвон яшайдиган жойларда бундай чивинлар тамомила йўқотилгач, одамлар ҳайвонлар яшайдиган қамишзорларни ўзлаштиришга киришдилар. Эндиликда эса одамлар ниҳоят оз миқдордаги ҳайвонлар инсонга ҳам, уй ҳайвонларига ҳам хавф туғдирмаслигини англаб етдилар. Расман турон йўлбарси ҳамма жойда қўриқланади. Совет Иттифоқи республикаларида уни отиш қатъий тақиқланган. Бу қонунни бузганларга йирик миқдордаги пул жарималари белгиланган. Эронда эса уларни муҳофаза қилиш учун юз минг гектар майдонга эга бўлган қўриқхона яратилган. Аммо одамлар бу тадбирларни кечикиб белгилаган бўлсалар ажаб эмас.

Агар ҳатто энг сўнгги турон йўлбарсларини қидириб топиш мумкин бўлганда ҳам табиатда уларни сақлаб қолиш қийин бўларди. Йиртқичнинг хусусий территорияси, ўзига хос «табиий қафаси» 40 квадрат километрдан кам бўлмаслиги керак. Бемалол яшаши учун эса ёввойи туёқли ҳайвонларга бой бўлган қамишзорлардан, тўқайлардан минг квадрат километрга яқин майдон керак. Йўлбарснинг саёҳатларга иштиёқмандлиги ҳам ишни мураккаблаштиради. Сўнгги ҳайвонларни ҳайвонот боғига топшириш йўли билан уларни сақлаб қолиш мумкин бўларди.

Аммо афсуски, ҳайвонот боғларида ҳам эндиликда турон йўлбарслари қолмаганга ўхшайди. Москва ҳайвонот боғида 1926 йилда Эрондаги Совет элчисига совға қилинган, қўлга ўргатилган Тереза номли урғочи йўлбарс яшарди. У 18 ёшида ўлди. Умуман йўлбарслар 50 йилгача яшаши мумкин.

Инсоннинг бу ҳайвонга бўлган муносабати икки хил бўлишига қарамасдан бугун асосий масала битта: йўлбарсни муҳофаза қилиш керак! Йўлбарс аввалгидек ёввойи табиатни қўриқлайди, туёқли ҳайвонларнинг наслини соғломлаштиришга ёрдам беради. Яйловларда унинг бўлиши ҳайвонларда эҳтиёткорликни, ҳаётга чидамлилик қобилиятини ривожлантиради. Қадимдан йўлбарслар бўриларни қатъият билан таъқиб этиши ҳам маълум. Одатда ёввойи табиат бўрилардан кўпроқ зарар кўради.

Албатта бу ҳайвонни тирик ҳолда кўриш умиди билан хайрлашиш ачинарли. Наҳотки, кейинги авлодлар у билан музейлардаги ранги ўчган, ичига сомон тиқилган терилар орқали танишадилар? Наҳотки унинг устида «XX асрда қириб юборилган» деган ёзув туради?

А. ЧЕГОДАЕВ,

«Юний натуралист» журналидан.

Фан ва техника изланишлари

ЎСИМЛИКЛАР ВА ОЛМОСЛАР

Ўсимликлар олмосни қаердан қидириш кераклигини геологларга билдириши мумкин. Харьков университетининг олимлари москвалик мутахассислар билан ҳамдўстликда шу районда ўсувчи дарахт ва буталардаги микроэлемент миқдорига қараб олмосли жинсларни топиш методларини ишлаб чиқдилар.

Баъзи ўсимликлар тупроқ таркибига қараб, қатъий муайян жойларда тарқатилганлиги кўпдан бери маълум. Масалан, руда излаш аломати бўлиб хизмат қиладиган гул турлари бор. Шунингдек, кимберлит трубкаси «томири» бўлган жойлардаги ўсимлик баргларида ванадий, никель, кобальт каби оғир металлар йиғилади. Олмосга бевосита йўлдош шу микроэлементлар ер чуқурликларидан ерга ўтади.

Якутияда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, геологик разведкачилар янги методни анъавий усуллар билан қўшиб ишлатганларида ер остидаги олмосли хазина бор жойларни картага аниқроқ ва тезроқ туширишлари, разведка мақсадида қазиладиган қудуқлар сонини камайтиришлари мумкин. Ҳолбуки бу қудуқларнинг ҳар бири бир неча миллион сўмга тушади. Фитогеохимик методлар ёрдами билан нефть ва газ, бошқа фойдали қазилма конларини излаш мумкин бўлади.

Шаклдор сабзавотлар

ПАҲЛАВОН КАРТОШКА

Мана бу расмдаги махлуқчани кучукча, айиқча, маймунча ёки чебурашка деб атаймизми, бу фантазиямизга боғлиқ. Ҳар ҳолда унинг насл-насаби Бошқирдистондан юборилган минглаб тонна картошканинг бир донасидир. Буни ҳеч ким атайлаб шу ҳолатга келтирган эмас, кўзи картошканинг бўртиғи, оғзи ва қулоғидаги кесилган жойини ҳам тасодифан лопатка тегиб шундай ҳолга келтириб қўйган. Бурни ўзининг бўртиғи, бўйни билан танасини ажратиб турган чуқурчаси ҳам кесак қисган бўлиши керак.

Қизиғи шундаки, ушбуни она-Ердан кавлаб олинаётганда ҳам, қопга солинаётганда ҳам, автомашинага ортиб вагонга ташилганда ҳам, магазинда сотилганда ҳам бу шаклдор картошкага ҳеч ким эътибор бермаган. Ошпаз уни қўлга олиб, арчаман деганда ҳайратдан донг қотиб қолди.

Табиат рассомлигининг бир намунаси-да бу ҳам! Тоғ-тошларда шамол ва ёмғир туфайли бунёд бўлган ҳайкаллар, ўрмонлардаги дарахт шохлари ва томирларининг турли ҳайвонларга яққол ўхшаб қолишлиги матбуотда кўплаб эълон қилинган. Табиат рассомчилигини пайқаш ҳам рассомликка киради.

Инсон қўли билангина эмас, табиат бунёд этган «бадиий асарларни» пайқай олиш, ҳис этиш ва баҳолаш учун эса, табиатни севиб кузатиш зарур. Бунда кишининг ижодий фантазияси шаклланади, жузъий нарсадан ҳам киши қувона оладиган бўлиб қолади. Бу яхши хислат. Кузатинг дўстлар, ҳамма ажойиботлар атрофимизда!

М. КАРИМОВ.

М. Нуриддинов фотоси.

КОНКУРС ЯКУНЛАНДИ

Республика ёш пианиночилари конкурсининг якунлари чиқарилди. Конкурсда Ўзбекистон мактаб-интернатлари ва музика билим юртларидан 33 ижрочи иштирок этди. Тошкентдаги Успенский номли мактаб-интернат ўқувчиси Ян Усплеҳьевага биринчи ўрин берилди. Фарғоналик ёш пианиночи Анна Фрейдкина ва тошкентлик Станислав Аванесов ҳам совринли ўринларни эгалладилар. Урганч шаҳар музика билим юртининг ўқувчиси Татьяна Максимовага Ўзбекистон композиторларининг асарларини яхши ижро этганлик учун махсус соврин берилди.

(ЎзТАГ).

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «СТРОЙРЕМБИТ» УЙ-ЖОЙ БОШҚАРМАСИНИНГ УЧАСТКАЛАРИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА БАРЧА ТУРДАГИ БЎЁҚЧИЛИК ИШЛАРИ (деворлар юқори сифатли пардоздан чиқарилади, эшик ва деразалар бўялади, деворларга қоғоз ёпиштирилади), ПАРКЕТ ПОЛЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРАДИ ВА СИЛЛИҚЛАЙДИ ҲАМДА БОШҚА УМУМИЙ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳри, Пилла кўчаси, 141-уй (17-«э» автобусининг охириги бекати; 6—13 трамвайларнинг «Крупская номли болалар санаторийси» бекати);

Тошкент шаҳри, Биринчи Цветочний проезди, 9-«а» уй (25, 28, 29-трамвайларнинг «Алоқа институти» бекати).

ҚУРИЛИШ УЧАСТКАЛАРИ, ШУНИНГДЕК ГАЗ БИЛАН ИСИТИШ ПЕЧЛАРИНИ ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРАДИГАН АКТЛАР БИЛАН ҚУРИБ БЕРАДИЛАР, ТОМГА ШИФЕР ЁПИБ БЕРАДИЛАР.

Участка қуйидаги адресга жойлашган: Тошкент шаҳри, Лангар кўчаси, 161-уй (7, 16-трамвайларнинг «Пахта» бекати). Телефонлар 44-29-75, 44-09-07.

АГВ—80 ВА КЧМ ҚОЗОНЛАРИНИ ЎРНАТИШ БИЛАН СУВ ИСИТИШ УСКУНАСИНИ, ШУНИНГДЕК БОШҚА САНТЕХНИКА ИШЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИБ БЕРИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА БУЮРТМАЛАР ОЛИНАДИ:

Тошкент шаҳри, Алиев кўчаси, 72-уй (6, 29-трамвайларнинг «Алиев кўчаси» бекати; 23, 26, 61-автобусларнинг «Саодат» магазини» бекати), Телефонлар: 96-75-90, 96-75-10.

БАРЧА ТУРДАГИ УМУМИЙ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИБ БЕРИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА БУЮРТМАЛАР ОЛИНАДИ:

Тошкент шаҳри, Уйғур кўчаси, 678-уй (110, 118, 134, 135-автобусларнинг «Тақачи» бекати).

Юқорида номлари кўрсатиб ўтилган барча ишларни бажариб бериш юзасидан Тошкент шаҳар «Стройрембит» бошқармасининг қуйидаги адресда жойлашган идорасида буюртмалар қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 48-уй. Телефонлар: 35-08-05, 35-10-42.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРДА Ж. ЛОНДОННИНГ «МАРТИН ИДЕН» КИТОБИГА

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ

4 ВА 11 МАЙДА ҳар бир қабул пунктида 50 тадан абонемент берилади. 5, 6, 12 ВА 13 МАЙДА ҳар бир қабул пунктида 200 тадан абонемент берилади.

Камида бир йўла 15 килограмм макулатура ёки 3 килограмм иккиламчи тўқимачилик материаллари (жун, ип газламали латта). топширилгандан кейин абонемент берилади.

15 килограмм макулатура ва ёки 3 килограмм иккиламчи тўқимачилик материалларини топширган киши абонементда кўрсатилган китобларни олиш ҳуқуқига эга бўлади ва унга ҳар бир авторнинг китобига фақат битта абонемент берилади.

Ж. ЛОНДОНнинг «МАРТИН ИДЕН» китобига абонементларни аҳолига сотиш тартибини Ўзбекистон ССР Госснаби ва Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети 1984 йил 13 февралдаги қарори билан тасдиқлаган.

АБОНЕМЕНТЛАР ЖУМА КУНЛАРИ СОАТ 18 ДАН БОШЛАБ, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ ТАРҚАТИЛАДИ.

Қолган кунлари эса макулатуралар абонементларга бериладиган маркалар комплектини тўплаш учун қабул қилинади.

Макулатуралар, иккиламчи хом ашёлар чекланмаган миқдорда 52—01 прейскурантига биноан топширилган макулатуранинг бир килограммига 2 тийиндан, жун, жун аралашган латтанинг бир килограмми учун 16 тийиндан ҳақ тўланади, ип газламали, каноп ва қопнинг 1 килограмми учун 6 тийиндан ҳақ тўланади.

Қабул пунктлари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача. Жума куни соат 11 дан 20.00 гача ишлайди. Танаффус соат 14.00 дан 15.00 гача.

Душанба дам олиш куни.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

— макулатуралар фақат пачка қилинган, алоҳида хилларга ажратилган: газеталар, китоб-журналлар, маиший картон ва ўраш қоғозлари ҳолида;

— иккиламчи тўқимачилик материаллари: сукноли камвол газламали буюмларга тааллуқли буюмларнинг жун ва жун аралашган латтаси, нозик толалардан, ярим нозик ва дағал, шунингдек ишлаб чиқарилган трикотаж ва ногазламали материаллар латтаси;

— ип газлама, каноп, каноп аралаштирилган газламалар аралаштирилган, бошқа толалар билан ип газлама аралашмасидан ишлаб чиқарилган ногазлама ва трикотаж ип газламали буюмлар латтаси;

— ип газлама ва ногазлама каноп ҳамда каноп аралашган буюмлар латтаси;

— бошқа толалар билан аралаштирилган канопдан ишланган газлама ва ногазлама каноп ва каноп аралашган буюмлар латтаси, чодир ва газлама ва брезентлардан тикилган буюмлар латтаси, кичик қоп латтаси

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҚАЕРДА ТУРИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР

ЖОНЛИ НАВБАТ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Абонементлар олиш учун қабул пунктларига макулатура ва иккиламчи тўқимачилик материалларини топшириш китоб савдоси тармоқларига адабиётларнинг тезроқ келишига хизмат қилади.

Абонементларни олиш масаласи бўйича маълумотлар олиш учун қуйидаги телефон орқали мурожаат этилсин: 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/V да **Ёшликда берган кўнгил**, 4/V да **Олифта**.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Сувда цирк» Москва циркининг гастроллари** (3/V—4/V да 19.30 да).

кино

3 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВАМАН, КУТАМАН СЕНИ, ЛЕНА» — **Ватан** (жуфт соатларда), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-65-84).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«УЙҒОНИШ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30, телефон 44-21-74).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТИ» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, 20.45).

«ЭКИПАЖ» — **Чайка** (16, 18.30 21.00, телефон 77-06-20), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00, телефон 53-65-87), **Восток** (18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«КАРНАВАЛ» — **Қозоғистон** (17, 20.00).

«СЕВИШГАНЛАР ҲАҚИДА ҚИССА» — **Қозоғистон** (18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ОРТИНГГА БОҚ» — **Дружба** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ИККИ КИШИЛИК ВОКЗАЛ» — **Москва** (16, 18.30, 21.00, телефон 33-05-01).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«ҚОРА ШАҚШАҚЛАР СИРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТЕҲРОН-43» — **Искра** (17, 20.00, телефон 39-

«ИЗҚУВАР» —
(18, 21.00, телефо

4 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛ

«СЕВАМАН, КУТАМ
НИ, ЛЕНА» — Дружб
соатларда, телефон 66-
Искра (жуфт соатлар
фон 39-11-76).

«ЁШЛИК РЕЦЕПТИ
Ватан (жуфт соатлард
ба (тоқ соатларда, телеф
15-75).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ
РОҚЧИНИНГ САРГУЗА
— **Санъат саройи** (кат
11, 13.30, 16, 18.30, 20
лефон 44-21-74).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛ
ИШОНМАЙДИ» — Сан
ройи (12, 14.30, 16, 17,

«ЭКИПАЖ» — Нукус
13.30, 16, 18.30, 21.0
фон 46-70-69).

«ТЕҲРОН-43» — Чайка
13.30, 16, 18.30, 21.0
фон 77-06-20).

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА
5 МАЙ СОАТ 17.00
«ПАХТАКОР» (Тошкент
«ФУТБОЛ ИШЧИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ ТЕ
КОМАНДАСИ» (Мало
ЎРТАСИДА
ХАЛҚАРО ЎРТОҚЛИ
ФУТБОЛ МАТЧИ
Олдиндан билет
кассаларни ишламоқда.

ТОШКЕНТ ТЕХНИ
УЙИ
«АВТОМОБИЛЬ
ТРАНСПОРТИДА
ҲАРАКАТ
ХАВФСИЗЛИГИ»
МАВЗУИДА
ПОЛИТЕХНИКА
ИНИНГ КЎЧМА КЎР
МАСИ (Москва шаҳри
НАМОЙИШИНИ
ТАШКИЛ ЭТАДИ
Кўргазма техника
(Ленинград кўчаси, 4
3—30 МАЙ КУНЛ
(шанба ва якшанбадан
қари) **намойиш қилина**

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЭЛЕКТРОСРЕДАЗМОНТАЖ» трестининг ТОШКЕНТ СОЗЛАШ УЧАСТКАСИГА **инженер-электриклар, техник-электриклар, 5—6-разр**
электромонтёрлар.

Меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли қўшимча район коэффиц
ти тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИГА **токарлар, фрезерчилар, пармаловчилар, арраларни ч**
ловчилар, прессларда штамповкачилар, механика-йиғув ишл
бўйича слесарлар, слесарь-ремонтчилар, слесарь-асбобсоз
электромонтажчилар, автомашина ҳайдовчилар, қолипчил
деҳқонлар, электромонтёрлар-ремонтчилар, инженер-техник
лар, конструкторлар, мастерлар, кранларнинг машинистла
тиш қирқувчилар, созловчилар, машинисткалар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви,
квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

пайшанба

3 МАЙ

● МТ I

18.00 Ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. «Солдат ҳам уйига қайтди».
18.30 «Қувноқ нотачалар».
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». Ташаббускорлик ва социалистик тадбиркорлик.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 С. Танеев романслари.
19.50 «Танлаш ҳуқуқи». Телевизион спектакль премьераси. Автор — Ю. Маслов. 1-қисм.
21.30 «Время».
22.05 Телевизион спектаклнинг давоми. 2-қисм.
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.55—20.30 «Номаълум...». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Сиз яратган боғ».
21.15 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Корсаков чалади». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) —«Черноморец». Минскдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 Болалар учун. «Бойчечак».
19.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз —80-йиллар комсомоллари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». Мирмуҳсин. «Умид».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси хизмат кўрсатган хорининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.25 «Экранда — кинокомедия». «Ғаройиб бола».
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Мангу ёшлик». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қадимий ёдгорликлар шаҳри». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

жума

4 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Танлаш ҳуқуқи». Телеспектакль.
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Енгиш». Телефильм.
15.50 «Опералардан саҳналар».
16.20 «Подмосковье қишлоғининг бугуни ва эртанги куни».
16.55 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ».
17.25 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Материализм ва эмпириокритицизм». 1-кўрсатув.
18.05 И. Гайдн. 7-симфония.
18.30 Ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм. «Ғалабадан кейинги баҳор».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 Рус халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.15 «Бомбардимончи самолёт хроникаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Оммабоп классик куйлардан концерт.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.35 Ҳужжатли фильм.
11.05—11.35 В. Брюсов лирикаси.
12.05—12.40 «Сиз яратган боғ».
14.10 Илмий-оммабоп фильм.
14.20 «Тарих саҳифалари». «Шахсан даҳлдор». Кўрсатувда учала Жанговар Қизил Байроқ орденларининг кавалари, артиллерия генерал-майори А. Ф. Сергеев иштирок этади.
15.05 «Улуғ Ватан уруши йилларида совет тасвирий санъати».
15.35 Г. Бакланов. Асарлари саҳифаларида.
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Жилонинг туғилиши». Телефильм.
19.00 «Онамларнинг мактаби».
19.30 — 20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Совет тасвирий санъатида коммунист образи».
21.20 «Қора денгиз ороллари». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Кулиб боқ». Уч серияли Телевизион бадиий фильм премьераси. Л. Соловьевнинг «Мафтун бўлган шаҳзода» ва «Осойишталикни бузувчи» романлари мотивлари асосида. 1-серия — «Бағдодлик ўғри».
23.15 Академик эшкак эш
йича СССР чемпионат
каклар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсат
«Комсомол прожектори
ҳаракатда».
18.55 Матбуот кунига. «Журна
тика ветеранларининг
ралари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қўшиқнавис шоир
Ямин Қурбон.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қўшиқнавис шоир
Ямин Қурбон (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Пятницкая кўчасидаги
вахона». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.25 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси
18.15 «Дўстларинг нурафшон д
расида». Эстония санъат
талари иштирокида фил
концерт.
19.05 «Авлодлар биографи
(рус.).
19.35 «Оламни кашф этиб». Те
фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.40 «Денгиздан эсаётган ш
да». Телефильм.
21.30 МТ II

Тошкент геология-қид
рув техникуми коллектив
техникум директори ўринб
сари Т. Ҳ. Хожибоевга отас
Хожибой
ОҚИЛОВнинг
вафот этганлиги муносаба
билан чуқур таъзия изҳ
қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома КП
Узбекистана и Ташгорсовета

Р—09227.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжали
32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари
32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 1